



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 29 ноябрь, № 231 (5398)

Сешанба

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

**“Маърифат маркази” мажмуидаги Симпозиумлар саройида 26 ноябрь кuni
“Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели:
“Соғлом она — соғлом бола” мавзuida халқаро симпозиум бўлиб ўтди.**



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳамкорлигида ўтказилди. Симпозиумда ЖССТ, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вазирлари, АКШ, Хитой, Россия, Канада, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция, Финляндия, Швейцария, Чехия, Дания, Жанубий Корея каби қирққа яқин мамлакатлар соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассис иштирок этди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 ноябрда қабул қилинган Фармони мувофиқ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдами ривожлантириш, Хотин-қизлар ва болалар соғлиқни сақлашнинг глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Маргарет Ченга мамлакатимизнинг ушбу юксак мукофотини топширди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен сўзга чиқди ва Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига, шу жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга улкан эътибор қаратилаётгани нафақат бугунги кун, балки келажақ нуктаи назаридан ҳам энг тўғри стратегия

эканини алоҳида таъкидлади. Нуфузли меҳмон Президентимизга юксак мукофот учун самимий миннатдорлик билдирди.

Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда эл соғлигини мустаҳкамлаш, айниқса, она ва бола саломатлигига, қисқача айтганда, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Буларнинг барчаси истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасидир. “Маърифат маркази” мажмуидаги Симпозиумлар саройида 26 ноябрь кuni “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиумнинг ўтказилгани бу борадаги ислохотларнинг жаҳоний эътирофидир.

Оналар ва болаларга эътибор, бу — келажаққа эътибор. Шу нуктаи назардан қаралганда, оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурига киритилган асосий устувор вазифалардан бири этиб белгиланганлиги, бугунги муваффақиятларимизнинг тамал тоши бўлган эди. Бинобарин, Ўзбекистон қўшилган илк халқаро ҳужжатлардан бири ҳам 1992 йил 9 декабрда парламентимиз томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир. 2008 йил 8 январда эса «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди. Шунингдек, мамлакатимизда илк давлат мукофотларидан бири сифатида «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам рамзий маънога эга.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Соғлом она —

соғлом бола” дастури бугунги кунга келиб умуммиллий ҳаракатга айланди. Айни пайтда ушбу муҳим дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғурхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, қарийб 3200 дан зиёд кишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

Симпозиум яппи мажлисида Ўзбекистонда яратилган тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели ҳақида маълумотлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Адҳам Икромов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жу-жанна Якаб хоним, ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий директори Стивен Аллен, Латвия Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Ингрида Цирице-не, Озарбайжон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги О. Ширалиев, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита Нироди, ЮНФПAnинг Марказий Осиёдаги суб-минтақавий офиси директори Николай Ботев, Европа педиатрлар ассоциацияси вице-президенти, Европа педиатрлари илмий кўмитаси президенти Мануэль Мойя (Испания), Сеул Миллий университетининг педиатрия маркази президенти, Корея Республикаси Болалар кардиологлари ассоциацияси президенти Жунг Ил Но, Гарвард тиббиёт мактабининг халқаро дастурлар бўйича илмий жамиятлар кўмитаси раиси, профессор Эдвард Жеймс (АҚШ) ва бошқалар сўзга чиқиб, ўтган даврда Ўзбекистонда тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2009 йил 1 июлдаги “2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳаётга изчил татбиқ этилаётган. Бунга биноан туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биласиз, фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ишлар болаларнинг юқумли касалликларга қарши ҳар йили эмланишини ҳам назарда тутди. Шу тўғрисида қатор касалликлар, биринчи навбатда, болаларга юқадиган хасталиклар мамлакатимизда кўп йиллардан буён қайд этилаётгани йўқ.

Халқаро анжуман қатнашчилари Симпозиумлар саройида мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқларга бағишлаб ташкил этилган кўргазма билан танишдилар. Иштирокчилар шўъба мажлисларида ҳам илмий муҳокамаларни давом эттирдилар.

Шунингдек, телеконференция воситасида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги “Наврўз” кишлоқ врачлик пунктида “Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги”, Жиззах вилоятидаги скрининг марказида ҳомиладор аёлларни тиббий текширувдан ўтказиш, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиалидаги иш жараёнлари билан танишдилар.

Симпозиум иштирокчилари Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульманология илмий-амалий тиббиёт маркази, шунингдек, Тошкент шаҳридаги болалар шифохоналарига ташриф буюришди. Тиббиётнинг турли йўналишларида ихтисослаштирилган клиника ва марказларда бўлиб, сателлит-конференциялар, мастер-класслар, мамлакатимиз мутахассислари билан ҳамкорликда жарроҳлик амалиётларида иштирок этдилар.

Анжуман якуни бўйича Халқаро симпозиум резолюцияси қабул қилинди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Сарвор ҲАМИДОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Маргарет Ченни I даражали
“Соғлом авлод учун”
ордени билан
мукофотлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 24 ноябрь

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов
26 ноябрь кuni Оқсаройда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
Бош директори Маргарет Ченни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув халқаро ҳамжамиятининг, биринчи галда, ЖССТнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги туб ўзгаришларга улкан қизиқишидан далолат эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан муносабатларга муҳим аҳамият берилди. Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги ҳамкорликнинг биргаликда белгиланадиган стратегик йўналишлари икки йиллик битимларда ўз ифодасини топади. 2012 — 2013 йилларга мўлжалланган навбатдаги ҳужжат жорий йил сентябрь ойида имзоланди.

Ўзбекистонда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан муносабатларга муҳим аҳамият берилди. Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги ҳамкорликнинг биргаликда белгиланадиган стратегик йўналишлари икки йиллик битимларда ўз ифодасини топади. 2012 — 2013 йилларга мўлжалланган навбатдаги ҳужжат жорий йил сентябрь ойида имзоланди.

Ташкилоти билан муносабатларга муҳим аҳамият берилди. Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги ҳамкорликнинг биргаликда белгиланадиган стратегик йўналишлари икки йиллик битимларда ўз ифодасини топади. 2012 — 2013 йилларга мўлжалланган навбатдаги ҳужжат жорий йил сентябрь ойида имзоланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов
шу кuni Оқсаройда А. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги
илмий маркази директори, Россия тиббиёт фанлари академияси
академиги Лео Бокерияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Лео Бокерия Ўзбекистонда, айниқса, унинг ноёб қиймати ва тажрибаси туфайли қайтадан ҳаёт наҳидасини сураётганлар орасида ҳамisha ардоқланиб келаётган инсонлардан бири эканини таъкидлади.

Ташкилоти билан муносабатларга муҳим аҳамият берилди. Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги ҳамкорликнинг биргаликда белгиланадиган стратегик йўналишлари икки йиллик битимларда ўз ифодасини топади. 2012 — 2013 йилларга мўлжалланган навбатдаги ҳужжат жорий йил сентябрь ойида имзоланди.

Лео Бокерия 2004 йилда хайрли мақсад билан Ўзбекистонга келиб, В. Вохилов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида туғма юрак хасталигига чалинган болаларни ўта мураккаб жарроҳлик операциясидан ўтказди. Ушундан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан А. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат ҳамкорликда илмий анжуманлар, жарроҳлик операциялари ўтказиши, кадрлар малакасини ошириши назарда тута-

ди. Ўтган вақт давомида Ўзбекистон тиббий муассасалари билан Л. Бокерия раҳбарлик қилаётган илмий марказ ўртасидаги алоқалар янада фаоллашди. Жумладан, қўлаб ўзбекистонлик мутахассислар ушбу марказдаги ҳамкасблари билан яқин ҳамкорликда номзодлик ва докторлик тадқиқотларини олиб борди.

Оқсаройдаги учрашувда Лео Бокерия самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, юрак-қон томир касалликларини ташхислаш ва даволаш борасида катта ютуқларни қўлга киритганини таъкидлади. Тошкентда дунёга машҳур олимлар, қарийб қирқ мамлакат ҳамда турли халқаро ташкилотлар мутахассислари иштирокида ўтказилган нуфузли симпозиум Ўзбекистон тиббиёт соҳасида, аввало, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида эришган муваффақиятларнинг кенг эътирофи бўлганини қайд этди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг кардиожарроҳлик соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси олдида



Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо амалдаги "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонун бугунги кунда маънан эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг эътиборига олинган ҳолда, Концепцияда "Рақобат тўғрисида"ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ

Бозор ислохотларининг муҳим талабидир

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида давлат томонидан самарали рақобат сиёсати амалга оширилиши натижасида товар ва хизматлар бозорларининг монополизацияси даражаси сезиларли равишда пасайди. Хусусан, сўнгги ўн йил мобайнида монопол корхоналар сони 75,2 фоизга, шу жумладан, 2004 — 2010 йилларнинг ўзида монопол корхоналарнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 26 фоиздан 19,2 фоизга камайди. Бу эса рақобатни янада ривожлантиришга кенг имконият яратиб берилганига ҳамда товар ва хизматлар бозорларида устуни мавқени эгаллаб турган корхоналар сони сезиларли даражада қисқарганидан далолатидир.

"бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар", "инсофсиз рақобат", "камситувчи шартлар", "нотўғри таққослаш", "товарнинг монопол юқори нархи", "товарнинг монопол паст нархи", "шахслар гуруҳи", "устун мавқе" каби асосий тушунчаларни бир-биридан аниқ ажратиб ва таърифлашга катта эҳтиёж бор эди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиши кутилаётган "Рақобат тўғрисида"ги Узбекистон Республикасининг Қонуни ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Шу маънода, ушбу Қонун рақобат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаштиришда катта аҳамиятга эга. Қолаверса, мазкур Қонун соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштириш, товар ва молия бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олиш ҳамда тўхтатиш бўйича ҳуқуқий воситаларни янгилашга йўналтирилган.

Қонуннинг асосий жиҳатларидан бири монополияга қарши тартибга солишнинг молиявий хизматлар бозорларида рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олган. Бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермасди. Айнан шундай ҳолатлар савдолари (тендерларни) тартибга солиш ва биржа савдолари соҳасида ҳам кузатишмоқда. Шу боис бу жараёнларда монополияга қарши органга тегишли ваколатларни бериш аниқ мuddаодир.

Айни чоғда рақобатга оид қонун ҳужжатларида "бозор", "бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар", "инсофсиз рақобат", "камситувчи шартлар", "нотўғри таққослаш", "товарнинг монопол юқори нархи", "товарнинг монопол паст нархи", "шахслар гуруҳи", "устун мавқе" каби асосий тушунчаларни бир-биридан аниқ ажратиб ва таърифлашга катта эҳтиёж бор эди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиши кутилаётган "Рақобат тўғрисида"ги Узбекистон Республикасининг Қонуни ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Шунингдек, юқори ликвид-

Суғурта бозори:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ҳар қандай давлат иқтисодиёти ривожидида суғурта тизими муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда суғурталаш ишларининг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуман

Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 10 апрелдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, суғурта компаниялари томонидан кўллаб янги хизматлар тақдим этилмоқда. Бунда кўрсатилган хизматлар сифати-

ни яхшилаш мақсадида суғурта компанияларининг тижорат банклари, кредит уюшмалари ва лизинг ташкилотлари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатгани, айниқса, ўз самарасини бераётган. "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида "Ҳаётни суғурталаш маҳсулотларини

ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш стратегияси" мавзусида бўлиб ўтган семинарда шулар хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон

Жаҳонда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш фондида 1970 йили асос солинган бўлиб, унинг бош мақсади Осиё мамлакатлари суғурта бозори мутахассислари учун семинар ва тренинглари уюштириш орқали тажрибаларни омма-лаштириш, суғурта ишига замонавий хизмат турларини жорий этишни жадаллаштиришдир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жамғарма билан юртимиз суғурта компаниялари ўртасида ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, 2007 йилдан буён юзлаб мутахассисла-

римиз ушбу ташкилот семинарларида мунтазам қатнашиб келмоқда. Жамғарманинг бундай фаолияти муносиб баҳолашиб, 2009 йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган иккинчи халқаро суғурта форумида "Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" фахрий мукофот билан тақдирлангани ана шундан далолат беради. Семинарда Жаҳонда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш фондининг бугунги фаолияти таҳлил қилиниши баробарида, суғурта соҳасидаги янгиликлар, тақлиф этилаётган замонавий хизматлар ҳамда алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Диплоид УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

Пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Конституциямиз ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг юртимиздаги ижроси доирасида ота-оналарнинг бола ҳуқуқларидан хабардорлигини ошириш масаласига бағишланган ушбу тадбирда парламент қўйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб воға етишлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида ишлар олиб бориш мақсадида мувофиқ эмас, деб топилди. Чунки мазкур бозор қатнашчилари рақобат ривожланишига таъсир кўрсатмайд.

Хулоса ўрнида айтганда, "Рақобат тўғрисида"ги Қонун соҳадаги муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг очик-ошкоралигини, самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланганини, иқтисодий фаолиятнинг мустақиллигини таъминлаб беради. Зотан, бу рақобат ривожланишининг энг асосий жиҳатларидан биридир.

Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб воға етиши учун зарур шарт-шароит ва қўлайликлар яратиш доимий диққат эътиборда бўлиб келмоқда. Ху-

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Хулоса ўрнида айтганда, "Рақобат тўғрисида"ги Қонун соҳадаги муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг очик-ошкоралигини, самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланганини, иқтисодий фаолиятнинг мустақиллигини таъминлаб беради. Зотан, бу рақобат ривожланишининг энг асосий жиҳатларидан биридир.

Хулоса ўрнида айтганда, "Рақобат тўғрисида"ги Қонун соҳадаги муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг очик-ошкоралигини, самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланганини, иқтисодий фаолиятнинг мустақиллигини таъминлаб беради. Зотан, бу рақобат ривожланишининг энг асосий жиҳатларидан биридир.

Давра суҳбатиде ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш, даим олиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларини етарли даражада таъминлаш зарурлиги хусусида ҳам сўз юритилди. Шундан келиб чиқиб, ота-оналарнинг бола ҳуқуқлари ҳақидаги хабардорлик даражасини ошириш, бунинг учун уларга қўлай шарт-шароит яратиш бўйича тавсиялар берилди.

Анжуман доирасида "Бола ҳуқуқлари мониторинги" китобининг тақдими ҳам ўтказилди. Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НАМАНҒАН. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятда йилга 45 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш қувватига эга 97 та янги лойиҳа ҳаётга жорий қилинди.

Илғор технология ва юқори сифат

Жумладан, яқинда "Фахр текстилсавдо" масъулияти чекланган жамиятига эркаклар қўйлаги ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 158 минг АҚШ долларлик маблағ эвазига хоржининг илғор технологиялари билан жиҳозланган мазкур корхонада йилга ўн минг дондан зиёд юқори сифатли ва харидорғир маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ вилоятида банкнинг 200 миллион сўмлик кредити эвазига "Сурхон капитал қурилиш" масъулияти чекланган жамиятида гўшт ва қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий технологик линия ишга туширилди.

Маҳсулот ҳажми ортмоқда

Айни пайтда 15 киши меҳнат қилаётган мазкур корхона йилга 60 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Вилоятда 2011 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 76,7 фоизга етди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ вилоятидаги ишлаб чиқариш субъектларини иқтисодий соғломлаштириш борасида қўрилган зарур чора-тадбирлар туфайли 15 та саноат корхонаси фаолияти барқарорлашди.

Модернизация шарофати

Жумладан, Ангрэн шаҳридаги "Саноатқилинқоғозсавдо" кўшма корхонасига ҳам хорж сармояси йўналтирилди. Натижада бу ерда қоғозни қайта ишловчи илғор замонавий технологиялар ўрнатилиб, ҳам ашё таъминоти яхшиланди. Корхона жамоаси жорий йил якунига қадар бегиланганидан 1 миллиард сўмдан кўпроқ маҳсулот тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ. Жорий йилнинг октябрга Сайхунбод туманидаги кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан 5 миллиард 522 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Банк кредити — бизнес равнақи

Бу эса 515 та иш ўрни яратиш имконини берди. Хусусан, "Дилафрўзбегим" хусусий корхонаси раҳбари Абдуазим Шералиев ҳам банкдан 100 миллион сўм кредит олиб, чорвачилик ҳўжалигини ташкил этган эди. Эндilikда тадбиркор йилга 200 миллион сўмлик гўшт етиштиришни мақсад қилган.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФАРҒОНА. Ёш мусаввир Мустура Насриддиновнинг ижодий ишлари "Келажак овози" танловининг вилоят босқичида намойиш этилганди.

Зулфияхонимнинг фарғоналик издошлари

Мастура ўз расмларини Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган кўрик-танловнинг вилоят босқичига ҳам тақдим қилди. Фарғона шаҳрида ўтказилган мазкур кўрик-танловда Мастура сингари 63 нафар иқтидорли қиз адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Энди ғолиблар тадбирнинг республика босқичида қатнашадилар.


Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ТАБИАТ БОЙЛИКЛАРИ — ДАВЛАТ МУҲОФЗАСИДА

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 6,8 фоизни ташкил этди. Бу истиқлол йилларида юртимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар самарасидир.

Маълумки, ҳар қандай режа ва эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқиши, аввало, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, ана шу меъзонларга таяниб иш тутишга боғлиқ. Шу маънода айтганда, Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини энг олий қадрият ҳисобланадиган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямиз мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилаётган. Унда белгилаб қўйилган тамойиллар халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос бўлиб, аҳолининг тинчлиги ва ҳамжихатлигини, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда изчил ривожланишни, қисқаса, ҳаётнинг барча жаҳаларида барқарорликни кафолатлашга қаратилган олижаноб мақсадларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 55-моддасида "Ер, ер



«Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси).

содиётнинг барча тармоқларини жойлаштиришнинг ҳудудий базаси, аҳоли пунктларини барпо этиш мақсадларида фойдаланишни ташкил этувчи умуммиллий ҳўжалиги зарур ва улар

қўллаш энг юқори нормалардан ҳам бир неча баравар ортиб кетди, оқибатда экологик муаммо юзга келди, тупроқларнинг морфо-генетик хусусиятлари, хоссалари ўзгарди. Мустақиллик йилларида ерга бўлган ана шундай салбий муносабатларни бартараф этиш энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Ундан фойдаланишининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ерни бошқариш тартиби ҳамда ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш усуллари, меҳнатни ташкил қилишнинг бозор иқтисодиёти қонунларига жавоб берадиган тизими вужудга келди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ўтган давр мобайнида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган қонунчилик ва ҳуқуқий асосини яратиш, давлат мулкисини хусусийлаштириш, қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шакллари жорий қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилганини тан олимизимиз керак. Асосан маъмурий-бўйруқбозлик ва тақсимот вазифаларини бажариб келган, аслида эса бутунлай ортиқча бўлган кўллаб бўгин ва тузилмаларга барҳам берилди".

ника қонун-қоидаларига амал қилинмади. Масалан, 1975 — 1985 йиллар мобайнида республикада бир миллион гектарга яқин янги ер майдонлари ўзлаштирилган. Бундан ташқари, норуғаник минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларни

Ислохот

Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу стратегик йўл ер ресурсларидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланишни илмий асосда ташкил этиш, янги усул ва тамойилларни кенг жорий қилиш ҳамда шу асосда халқимизнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, озик-овқат хавфсизлиги, галла, пахта мустақиллиги барқарорлигини таъминлаш вазифаларининг аҳамиятини англашди.

Таъкидлаш жоизки, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, аграр соҳага янги техника ва технологияларни жорий этиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган дастурларнинг изчил ижроси амалда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 2011 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда ҳўжаликлар ва ҳўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида жами 59 миллиард сўмликдан ортиқ таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Бундай кенг ҳажмидаги ишлар қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорликни оширишга мустақам замин бўлиб хизмат қилаётган.

Мухтасар айтганда, юртимизда экологияни яхшилаш, ердан тўғри ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг сифатли озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, фаровон турмуш тарзини таъминлаш йўлида ана шундай чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ўтган йилги йиллик даврда бу борада эришилган натижаларнинг халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилаётгани давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилган сиёсатнинг, Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва мос йўлнинг нақадар тўғри экани фодасидир.

Норқувват ЯНГИБОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА СОЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: «СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Бош директор хоним, Хурматли симпозиум иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ, Тараққиёт дастури ва Аҳоли-шунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар вақилларини, дунёнинг кўплаб мамлакатлари соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари, бугунги симпозиумнинг барча иштирокчиларини кутлаш ва ўзимнинг чуқур эътиромимни изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўқинда бунёд этилган, миллий ва замонавий архитектура ҳамда шаҳар-созиликнинг энг яхши намуналарини ўзида муқассам этган, бугун халқаро анжуман ўтаётган ушбу ноёб комплекс икки қисмдан — Миллий кутубхона ва Симпозиумлар саройидан иборат. Мазкур муқташам саройда биз қабул қилаётган илк меҳмонлар сиз, энг инсонпарвар ва олижаноб соҳа — оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга бағишланган ушбу халқаро форум иштирокчилари эканингизнинг ўзи кўп жиҳатдан раъсий ва тарихий аҳамиятга эгадир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, хурматли Маргарет Чен хоним, барча меҳмонларимизга ушбу Форумда иштирок этиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг атоқли хорижий олимлар ва тиббиёт оламининг юксак обрў-эътиборига эга мутахассислари иштирокида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган умум-миллий дастурнинг муҳим таркибий қисми сифатида шакланган оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш моделининг муҳокама этилиши биз учун катта шарафдир.

Мамлакатимизда умумэтироф этилган шир — «Соғлом она — соғлом бола» тамойили, ўз моҳиятига кўра, аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи даябат бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланади.

Биз бу муҳим вазифининг ижросига киришар эканмиз, одамлар саломатлигини муҳофаза қилишнинг бутун тизимини чуқур ислоҳ этиш ва

модернизация қилиш асосидагина олдимиизга кўйган мақсадга эришиш имконлигини теран англаб етганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустақам пайдовор яратилди, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Биринчидан, энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шешилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мулақо янги ва ноёб ягона тизим шакллантирилди. Республика шешилинч тиббий ёрдам илмий маркази мазкур тиббиёт муассасаларига раҳбарлик қилмоқда ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширмоқда.

Иккинчидан, мамлакатимизда ташкил этилган 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этиш ва унинг қўйи бўғинини кучайтиришда гоят муҳим роль ўйнамоқда. Шунга эътиборингизни қаратишни истардимки, бу ерда гап бозича мамлакатларда мавжуд бўлган фельдшерлик-акusherлик пунктлари ҳақида эмас, балки замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган ва умумий амалиёт шифокорлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган пунктлар ҳақида бормоқда.

Учинчидан, туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи оптималлаштирилди, замонавий асбоб-ускуналар билан яхши жиҳозланган ва малакали кадрлар билан таъминланган ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари ҳамда поликлиникалари ташкил этилди.

Тўртинчидан, бугунги кунда мамлакатимизда эътироф этилган илмий мактаблар негизида 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилиб, улар кардиология ва кардиохаррохлик, акушерлик ва гинекология, урология, офталмология, пульмонология ва физиятрия, эндокринология каби йўналишларда

фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларда юқори малакали, юксак даражадаги касб тайёргарлигига эга кадрлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатмоқда.

Утган йиллар мобайнида бизнинг барча саяъ-ҳаракатларимиз, аввало, узок муддатли самарали мақсадга, яъни миллат генотипини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароит яратишга қаратилди. Табиийки, бунинг учун улкан вазибаларни, жумладан, одамлар психологияси ва онгини ўзгартиришга доир ишларни амалга оширишга тўри келди.

Хусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалиниш мумкин бўлган ҳолатларни камайитириш мақсадида мамлакатимизда турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тизими жорий этилди.

Ушбу масалага кенроқ қарайдиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий муҳит ва одоб-ахлоқ, оилани мустаҳкамлаш, оила ришталари барқарорлигини таъминлашга мамлакатимизда ҳар доим катта эътибор қаратилган ва бугунги кунда ҳам бу аънаа юксак кадрланади. Ўйлайманки, соғлом оила, оиладаги соғлом муҳит соғлом бола туғилишида қандай улкан аҳамиятга эга эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бугун Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслини шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғининг ташкил этилганига алоҳида эътибор қаратишигизни истардим. Улар ишга тушган 2000 йилдан буюн мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди.

Мамлакатимизда икки ёшгача бўлган барча болалар бепул эмланмоқда, бу, ўз навбатида, дифтерия, қочқол, полиомиелит каби касалликларга

бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилга икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқур тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 20 йил давомида оналар ва гўдақлар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Ўзбекистон жорий йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш масаласи соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукус каби шаҳарларда тиббиёт олий ўқув юртли фаолият кўрсатмоқда.

Олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлашни ташкил этишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шакллантирилди.

Мамлакатимиз тиббиёт институтлари «Шарите» (Германия), Гарвард (АҚШ), Манчестер (Буюк Британия), Вена (Австрия) университетлари клиникалари каби етакчи хорижий тиббиёт муассасалари, Россия ва Украинанинг машҳур марказлари, Япония, Жанубий Корея ҳамда бошқа давлатлардаги йирик госпиталлар билан яқин ҳамкорликда ишлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Мана шу юксак минбардан ушбу залда йиғилган Форум қатнашчилари номидан уларга самимий миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган улкан эътибор, авваламбор, бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилётган инвестициялар ва маблағларда ўзининг аниқ исботини топмоқда.

Мамлакатимиз давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харajatлар улushi 15,7 фоизни, яъни маҳсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий асбоб-ускуналар

ва тиббий техника билан қайта жиҳозлашга ўтган даврда 700 миллион доллардан зиёд имтиёзли кредитлар, донорларнинг грант маблағлари жалб этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқиро-зи давом этаётганига қарамай, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди. Бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистонда аҳоли учун барча биринчи тиббий ёрдам бепул ҳисобланади. Шошилинч тиббий ва педиатрия ёрдами, туғуруқ ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам, шунингдек, онкологик, юқумли ҳамда бошқа қатор ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш хизматлари ҳам шу асосда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий ва сифатли тиббий ёрдам қимматбаҳо, бунинг устига, мунтазам янгилашни талаб қиладиган асбоб-ускуналарга, шунингдек, қиммат дори воситалари ҳамда препаратларга асосланишни ҳаммамиз жуда яхши тушунамиз. Бу эса бепул ва пуллик даволаш ишларини оқилона уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни тақозо этади.

Биз танлаган соғлиқни сақлаш модели қанчалик тўри ва самарадорлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтирмоқчиман. 1991 йилдан буюн ўтган даврда юртимизда одамларнинг ўртача умр кўришини 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўришини эса 75 ёшга узайтиришга эришдик.

Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далolat беради. Тиббиёт ҳам илм-фан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам тақомиллашиб бормоқда ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделимизда ўз ифодасини топмоқда.

Шу кунларда биз ислохотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазибаларни амалга оширишга киришдик. Бу борада соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини оптималлаштиришни ниҳоясига етказиш ва уларни энг замонавий аппаратура билан босқичма-босқич қайта жиҳозлаш кўзда

тутилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг моддий-техник, илмий ва амалий базаси янада яхшиланади, уларда акциядорлаштириш жараёнири амалга оширилади, ушбу муассасаларда ишлаётган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, яқиний натижалар учун уларнинг масъулиятини ошириш механизмлари жорий этилади.

Бу мақсадлар учун турли манбалар ҳисобидан яқин йилларда 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг маблағлар йўналтирилади ва биз масалага нафақат аҳоли фаровонлиги ва саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омилли, балки иқтисодиётимизни юксалтириш ва жамиятимиз барқарор тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қарамоқдами.

Хурматли симпозиум иштирокчилари! Бугунги халқаро форум натижалари пировардида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилишига ишонман. Зеро, ҳар бир одам учун узок ва соғлом умр кўриш бахтли ҳаёт кечиришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидламоқчиманки, соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ва биз ҳақли равишда фахрланганидан барча ютуқларимиз асосида, аввало, минг-минглаб тиббиёт ходимлари — шифокорлар, ҳамширалар, олимлар ва мутахассислар,

ўзининг тинимсиз ва фидокорона меҳнати билан инсонга шифо бериш, унинг дардига малҳам бўлишни муқаддас борч деб биладиган барча олижаноб касб эгаларининг билими, тажрибаси ва маҳорати муқассамдир. Дейдиларки, бу дунёда Яратганимиз томонидан ато этилган иккита касб бор: биринчиси — ўқитувчилик, иккинчиси — шифокорликдир. Ўзининг олижаноб касбига содиқ шифокор ҳар кунини энг яхши инсоний фазилатларни намoён этиб, барчамизга олий инсонпарварлик мақсадларига ҳолис хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатади.

Ушбу юксак минбардан туриб, сиз ва сизларнинг тинимсизлигида мазкур олижаноб касб эгаларига чин қалбдан ўзининг самимий миннатдорлигини билдираман. Сизларга сийҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақият тилайман. Яна бир бор меҳмондўст ўзбек заминига хуш келибсиз. Эътиборингиз учун ташаккур!

ЖССТ БОШ ДИРЕКТОРИ МАРГАРЕТ ЧЕННИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА СОЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: «СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийлари,

Мухтарам вазирам,

Хурматли симпозиум иштирокчилари,

Хонимлар ва жаноблар!

Сўзимни Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига она ва бола саломатлиги масалалари бўйича ушбу халқаро симпозиумни ташкил этгани учун миннатдорлик билдиришдан бошлашга ижозат бергайсизлар.

Оналар, чақалоқлар ва ёш болалар саломатлигини яхшилаш халқаро соғлиқни сақлаш тизими олида турган энг муҳим ва мураккаб вазибалардан бири ҳисобланади.

Она ва бола саломатлигини асрашни асосий устувор вазифа сифатида белгилан нафақат бугунги кун, балки келажак учун қўйилган тўғри қадамдир.

Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий сиёсатининг номланишида ҳам яққол ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган бу дастур оналар ва болалар ҳақида ғамхўрликнинг барча зарур жиҳатларини — бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва стационар даволаш; мунтазам профилактика кўригидан ўтказиш ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш; эмлаш орқали касалликларнинг олдини олиш; скрининг воситасида эрта ташхис қўйиш, шунингдек, болаларда тез-тез учрайдиган бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатланиш ҳолларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олган.

Ўзбекистонда, айниқса, овқатланиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш менга алоҳида мамнуният бахш этади. Афсуски, соғлиқни сақлаш соҳасига оид кўплаб дастурларда бу иш билан қишлоқ хўжалиги ёки савдо ташкилотлари шугулланиши керак, деган қарашдан келиб чиққан ҳолда, ушбу масалаларга етарлича эътибор берилмапти.

Айни пайтда дунёнинг бошқа мамлакатларида унчалик аҳамият берилмайдиган яна бир соҳа — ўсимлар саломатлиги масаласига ҳам Ўзбекистонда доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Саломатлиқни мустаҳкам-

лашда муҳим ўрин тутадиган спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани ҳам таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистонда ушбу чора-тадбирлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида одамлар ўта мураккаб даврни бошидан кечираётган бир пайтда амалга оширилмоқда.

Жорий йилда мисли қўрилмаган табиий офатлар, сув тошқинлари, цунами, ядро фалокатлари, Африка қитъасида оммавий очарчилик, Яқин Шарқдаги бир неча давлатларда ҳукуматларнинг алмашшига олиб келган фуқаролар мижоролари рўй берди.

Биз глобал инқирозлар кетма-кет содир бўлаётган мураккаб бир даврда яшаётимиз. Иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши давом этмоқда. Аксарият мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳаддан зиёд ошиб кетди. Бу, айниқса, кам таъминланган оилаларда етарлича тўйиб овқат омалликка сабаб бўлмоқда.

Таркибида шакар, туз ва ёғ кўп, аммо муҳим тўйимли моддалар миқдори ниҳоятда кам бўлган қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатига янги озиқ-овқат маҳсулотига айланади. Бундай маҳсулотлар нисбатан арзон ва қоринни тўйдириш учун қулай бўлса-да, юқмайдиغان сурункали касалликларнинг кескин кўпайишига олиб келади.

Ўзбекистонда эса, ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрлана арзийди.

Биз Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан яқин муносабатларни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлаймиз.

Менга Ўзбекистонда аҳолини изчил ва самарали эмлаш дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳақида маълумот беришди.

Бундай ёндашув, айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, аҳоли ҳаётига таҳдид солиниш мумкин бўлган хавфли юқумли касалликларни тез аниқлашда гоят муҳим аҳамиятга эга.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан она ва бола саломатлиги энг устувор вазифа сифатида белгиланди.

Жорий аср бошида давлатлар раҳбарлари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Бунда она ва бола саломатлиги устувор вазифа сифатида амалга ошириш муддати белгилан берилган касонли мақсадлар ҳамда вазибалар сирасига киритилган.

Утган ўн йиллик ушбу мақсадларга эришиш йўлидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаш ва бу борада саяъ-ҳаракатларни бирлаштириш катта аҳамиятга эга эканини кўрсатди.

Бир неча ўн йиллик мобайнида бутун дунёда оналар ўлими кўрсаткичи йилга ярим миллион даражасида барқарор сакланиб келди. Бу ракамлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги аниқ, ачинарли ва доимий маълумотлар сифатида қайд этиб келинди.

Сўнгги ўн йилда бу борада шиддатли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг 2010 йилги статистик маълумотлари бугун дунёда оналар ўлими сезиларли даражада камайганини кўрсатмоқда. Бунда энг катта, яъни 60 фоиз камайиш Шарқий Осиё ва Шимолий Африкада кузатилмақда.

Бизда яна бир хушхабар бор. Утган ўн йилда беш ёшгача бўлган болалар орасида ўлим ҳолатлари ярим асрдан ортиқ давр ичига илк бор 10 миллиондан пасайди ва бу камайиш давом этмоқда. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич дунё бўйича 7,6 миллион ҳолатни ташкил этади.

Арзон ва самарали чоралар ёрдамида бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш қисмидан зиёдрогининг учди олинганида, мазкур кўрсаткич янада яхши бўлиши мумкин эди.

Шунга қарамай, биз ижобий ва сезиларли натижаларга эришганимизни эътироф этиш зарур.

Хонимлар ва жаноблар! Ўзбекистон бу борада ўз ютуқлари билан фахрлана арзийди. Халқаро статистика шуни кўрсатмоқдаки, оналар, гўдақлар ва болалар ўлимининг олдини олиш осон иш эмас.

Бунга эришишнинг сабаблари кўп ва уларнинг айримларидагина тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар.

Биринчидан, бу муаммо кўплаб мамлакатларда, одатда, баландпарвоз гаплар юксак ваъдалар бериш билан муҳокама этилади. Аммо, мавжуд тажрибадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бундай ғамхўрлик сиёсий ирода ва қатъият билан мустаҳкамлан-маса, биз ҳеч қачон бу борада тараққиётга эриша олмаймиз.

Ўзбекистонда эса 1991 йилдан буюн сиёсий масъулият юксак даражада эканини кўриб турибмиз.

Иккинчидан, айниқса, қишлоқ жойларда сифатли, яхши ривожланган, нисбатан арзон ва барча фойдаланган ш мумкин бўлган тиббий хизматларсиз оналар ўлимининг камайитиришда тараққиётга эриша олмаймиз.

Оналар ўлимининг олдини олиш самарадорлиги, шунингдек, тўлиқ малакали шошилинч акушерлик ёрдами ва ундан фойдаланиш имкониятларининг нечоғли кенглигига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон ушбу муаммоларни, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш ва уни халқаро принциплар, хусусан, биринчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш нормаларига мувофиқлаштириш ҳамда аҳолининг тиббий хизматлардан тенг фойдаланишини таъминлаш орқали самарали ҳал этмоқда.

Бундай ислохотлар жамиятда ижтимоий адолатнинг мустаҳкамланишига ва катта иқтисодий самарадорликка эришишга хизмат қиладди.

Зотилжам билан касалланган кичик ёшдаги болаларни уй шароитида антибиотиклар билан бемалол даволаш мумкинлиги ҳақида далиллар бор. Ҳолбуки, бу касаллик ушбу ёш гуруҳида ўлимга олиб келадиган энг кенг тарқалган икки сабабдан бири ҳисобланади.

Бундай болаларни ҳар доим ҳам шифохонада даволаб бўлмайди. Негаки, у ерда уларнинг нозик организми бошқа беморлардаги мавжуд кўплаб вируслар таъсирига дучор бўлиши мумкин.

Уй шароитида безгак касаллигини даволаш масаласида ҳам шундай ҳулосага келиш мумкин.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашдаги муаммолар нафақат техник ёки тиббий хусусиятга эга, балки биринчи навбатда, ижтимоий, маданий ёки сиёсий омилар билан ҳам боғлиқдир. Бу муаммоларни қонунчилик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан қатъий қўллаб-қувватланадиган юқори давлат даражасидаги одилона сиёсатни амалга ошириш орқалигина камайитириш, ҳаттоки, уларга бутунлай барҳам бериш мумкин.

Масалан, жаҳоннинг аксарият давлатларида аёллар ўзининг ёки фарзандларининг ҳаёти қил устида турган бўлса-да, тиббий ёрдамга мурожаат қилиш учун эри ёҳуд унинг қариндошларидан руҳсат олиши керак.

Бундай муаммоларнинг ҳар бирини миллий даражада ҳал этиш фойдали эканини таъкидламоқчиман.

Соғлиқни сақлаш тизими ижтимоий институт ҳисобланади ва болаларни дунёга келтириш ҳамда дори препаратларини тарқатишдан ташқари ҳам яна кўплаб масалаларни ўз ичига олади. Адолатли бошқариладиган ва маблағ билан таъминланадиган соғлиқни сақлаш тизими ижтимоий тотувлик ҳамда барқарорлиқни таъминлашга хизмат қиладди.

Зер

Шу йил 25-26 ноябрь кунлари Тошкентда "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусида бўлиб ўтган халқаро симпозиумдаги иштироки юзасидан меҳмонлар, шу жумладан, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар раҳбарлари ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

жадвалидан қониқиш ҳосил қилди, деб уйлайман. Хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда бўлишлари мобайнида замонавий тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича қимматли тажрибаларни алмашишлари баробарида,

жаат қилди. Бу ҳам давлатингиз раҳбарининг ушбу мавзуга нақадар жонқуярлик билан ёндашишини кўрсатиб турибди. Президент Ислам Каримов ўз нутқида Ўзбекистонда ҳар бир инсоннинг саломатлигини таъминлаш

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ — ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР ГАРОВИ

"Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиум доирасида "Европа минтақасида Мингйиллик ривожланиш мақсадлариغا эришишнинг устувор йўналишлари"га бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА КЕНГ МИҚЁСЛИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИГА ЮКСАК СИЁСИЙ СОДИҚЛИК

Жужанна ЯКАБ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори: — "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумдек муҳим тадбирнинг ташаббускори бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва мамлакат ҳукуматига самимий миннатдорлигимни билдираман.

фатида одамларга ўз билимлари даражасини ошириш, теварак-атрофда кечаётган жараёнларни яхшироқ идрок этиш, ўзларини ўраб турган барча воқеликларни теранроқ библиларига кўмаклашади.

Тошкентда илмий анжуманнинг ўтказилиши республика раҳбариятининг соғлиқни сақлаш соҳасида кенг миқёсلى ўзгаришларнинг амалга оширилишига бўлган ҳисоб-ҳисобларига асосланган бўлиб, унинг қилшок жойларда ривожлантирилишига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили мамлакат миллий бюджетнинг 50 фоизидан кўпроги ижтимоий соҳага ажратилмоқда, унинг 35 фоизи оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йили мобайнида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Бугун мамлакатингизнинг оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасидаги етакчилиги ҳақи равишда тан олинди. "Болаларни асрайлик" (Save the children) халқаро ташкилоти маълумотлариغا мувофиқ, Ўзбекистон ўн та етакчи мамлакатлар сирасига кирдики, бу ҳам, ҳеч шубҳасиз, юртингизда болалар саломатлигини мустаҳкамлашга кўрсатилаётган жуда катта гамирликнинг яна бир эътирофидир.

Ўзбек халқининг бой тарихи ва ноёб маданияти билан яқиндан танишиш имконияти ҳам эга бўлди.

давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланганини алоҳида таъкидлади. Бу борада Ўзбекистон раҳбарининг фикрига кўшилмаслик мумкин эмас.

Риккардо МАНАР, Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси: — Тошкентда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган ўтказилган халқаро симпозиум ташкилий жиҳатдан юксак баҳога лойиқдир. Ўзбекистон тадбирини юқори даражада ташкил этиш орқали яна бир бор ўзининг ўзбекона меҳмондўстлигини, самимий ва очиққўнгиллигини намоён этди.

Мамлакатда соғлиқни сақлашнинг барча йўналишларини қамраб олган тизим яратилган. Ҳатто энг чекка аҳоли тураржойларида ҳам одамлар малакали тиббий кўмак олишлари мумкин бўлган қилшок врачлик пунктлари фаолият кўрсатади. Бу, менинг назаримда, Ўзбекистон Республикаси эришган ютуқлар ичидидаги таҳсинга лойиқ жиҳатлардан яна бири саналади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган, тиббий хизматлар сифатини оширишга йўналтирилган ислохотлар юксак баҳога лойиқдир. Мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлимнинг сезиларли даражада камайгани Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришлар муваффақиятининг ёрқин далили ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон болалар ўлими қисқаршини сармоёлаш стратегиясини биринчилардан бўлиб қўллаб бошлаган.

Мен бу соҳанинг барча ходимларига ўз фаолиятларида бундан-да катта муваффақиятлар тилашни истар эдим. Ушбу маҳабатли "Маърифат маркази" биносига мафтун бўлганимни яна бир бор изҳор этаман. Тошкент аҳолиси ва Ўзбекистон халқи мазкур бой маълумотлар базасига эга бўлганидан мамнунман. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда маданият, илм-фан ва таълимни янада ривожлантириш йўлида амалга оширилаётганига сира шубҳа йўқ.

Ўзбек халқи мамлакатда яратилган беқиёс ижтимоий шароитлар, хусусан, бепул тиббий хизмат кўрсатилиши билан ҳар қанча фахрланас арзийди. Босис, таассуфлар бўлсинки, дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида ҳам бундай имкониятлар мавжуд эмас.

Муҳаммад АЛ-МУҲАЙРИБИЙ, Бирлашган Араб Амирликларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси: — Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги туб ислохотлар Ўзбекистон давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Мамлакатда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилаётди.

Қўшма Штатлар бутун мамлакат бўйлаб аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши мақсадида ҳамкорлик қилгани ҳолда, АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги орқали Ўзбекистоннинг шериги ҳисобланади.

Мени "Маърифат маркази" биноси ҳайратлантирди, Симпозиумлар саройининг гўзаллиги лол қолдирди. Залнинг ажойиб архитектураси ва акустикаси, шунингдек, миллий меъморчиликнинг бетақоррор ва маҳабатли унсурлари билан уйғунлашган замонавий услубда пардозланганлиги ҳайратларимни чандон ошириб, мени ўзига мафтун этди.

Бутун республикада кенг миқёсда умумтаълим ва спорт мактабларини, касб-хунар коллежларини, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган соғлиқни сақлаш муассасаларини бунёд этиш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунларда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича Тошкентда ўтказилаётган халқаро симпозиум Ўзбекистон раҳбарияти томонидан аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг яна бир исботи бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатда эмлаш кампанияси муваффақиятли ўтказилгани билан Ўзбекистон ҳукуматини куллагига ижозат бергайсиз. Эътироф этиш керакики, Ўзбекистон полиомиелитдан холи худуд ҳисобланади. Мамлакатингиз қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш бўйича ҳам ҳавас қиларли кучли тизимга эга.

Франсуа ГОТЬЕ, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси: — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилган Халқаро симпозиум иштирокчиларининг юксак даражаси дунё илмий ҳамжамиятининг ҳам ушбу тадбир ишига ва мамлакатингизнинг қисқа вақт ичида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида эришган муваффақиятларига, соҳани жаҳон андозалари даражасига олиб чиққанга бўлган қизиқишидан далолат беради. Тадбир анъанадагидек юксак даражада ташкил этилди. Барча ташкилий ва мазмундор масалалар пухталлик билан уйланиган. Чет эллик делегациялар анжуман ишининг

Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси: — Машхур ўзбек мақолида айтилганидек, саломатлик — инсон эга бўлган энг бебаҳо бойлиқдир. Шу маънода, менда Ўзбекистон Республикаси Президентининг самимий, таъсирчан ва ҳис-ҳаяжонга йўғрилган маърузаси жуда катта таассурот қолдирди. Президент бир неча бор матнда чекинган ҳолда симпозиум иштирокчиларига тўғридан-тўғри муро

Ҳажон молиявий-иқтисодий инкирозига қарамай, Ўзбекистонда улкан ижтимоий объектларнинг фойдаланишга топширилиши қизгин сурияларда давом этмоқдаки, бу мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг тўғри эканлигидан далолатдир. Яқиндагина куриб битказилган "Маърифат маркази"нинг маҳабатли эканлигини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Амирликларда фойдаланишга топширилган иншоотларда кўпроқ замонавий архитектура ва технологияларга эътибор қаратилса, Ўзбекистонда қад ростлаётган объектлар ўзида ҳам замонавий, шу билан бирга, мамлакатнинг бой тарихи ва маданиятини ифодаловчи миллий колоритини акс эттириши билан ҳам диққатга моликдир.

Жорж КРОЛ, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси: — Мен Симпозиумлар саройи ва Миллий кутубхонадан иборат шундай муҳташам "Маърифат маркази" мажмуида ўтказилаётган халқаро симпозиумда қатнашишга тақдир этилганимдан миннатдорман. Маълумки, кутубхоналар жамиятда муҳим аҳамият касб этадики, улар таълим тизимининг ажралмас қисми си-

мамнунлик, эртанги кунга ишонч бизда ҳавас уйғотди.

Руслан ШИШКОВ, Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази бўлим бошлиғи: — Халқаро симпозиум жуда самарали бўлди. Мазкур халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг форумнинг очилишидаги нуқти менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон тиббиёт тизимида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, соҳани ривожлантириш омиллари ҳақида аниқ ва пухта баён этилган фикрлар, уйланимники, барчада катта қизиқиш уйғотди.

«Жаҳон» АА.

«ТИББИЁТ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ МОДЕЛИНГИЗДАН ИБРАТ ОЛСА АРСИЙДИ»



Пойтахтимизда 25-26 ноябрь кунлари "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНФПА каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, қирқча яқин мамлакатлар соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машхур олимлар, халқаро эксперт ва мутахассислар қатнашди. Анжуман иштирокчилари 27 ноябрь кунин Самарқанд шаҳрини ҳам зиёрат қилдилар. Мухбиримиз уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург кўмак институти директори, профессор (Германия): — Биласиз, айти пайтада ҳам дунёдаги аксарият мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни қузатишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви, шу жумладан, ишсизликнинг авж олишига олиб келмоқда.

мамнунлик, эртанги кунга ишонч бизда ҳавас уйғотди.

Юртингизда эса ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳи бўлганимиздек, Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли барча соҳада барқарорлик қузатилмоқда. Хусусан, она ва бола саломатлиги масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини берапти. Энг муҳими, тиббиёт соҳасида миллий моделингиздан ибрат олса арзийди.

Руслан ШИШКОВ, Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази бўлим бошлиғи: — Халқаро симпозиум жуда самарали бўлди. Мазкур халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг форумнинг очилишидаги нуқти менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон тиббиёт тизимида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, соҳани ривожлантириш омиллари ҳақида аниқ ва пухта баён этилган фикрлар, уйланимники, барчада катта қизиқиш уйғотди.

Джун ИЛЬ НОХ, Сеул Миллий университети Педиатрия маркази президенти, (Корея Республикаси): — Юксак савияда ташкил этилган ушбу симпозиум ҳар бир иштирокчи учун гоят самарали ўтди. Тадбир давомида Ўзбекистоннинг тиббиёт тизими улкан салоҳиятга эга эканига амин бўлдим. Мен педиатр эканлигим боис Педиатрия илмий-амалий марказида бўлдим. У ерда инфратузилма, моддий-техник база, хизмат кўрсатиш юқори даражада ташкил этилган. Шуларга мос равишда ҳар қадамда улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, халқингизнинг яратувчанлик салоҳиятига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистоннинг гўзал табияти, одамларингиз юзидидаги ҳаётдан

қараш умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилиши камдан-кам мамлакатларга хос.

Майкл ПАУЭЛЛ, Неврология ва нейрохирургия миллий шифохонаси бўлим бошлиғи (Буюк Британия): — Тиббиёт оламидаги катта воқеага айланган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусида ўтказилган халқаро симпозиумда иштирок этганимдан жуда мамнунман. Анжуман доирасида Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиш баробарида, ўзим учун жуда кўп фойдали маълумотлар олиш

Дарвоқе, мамлакатингизда бошқа соҳалар қатори темир йўл тармоғини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор. Симпозиумдан кейин Самарқандга "Афросиёб" электропоездида бориб келдик. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай, поезддаги мўътадил ҳарорат менга гоят маъқул бўлди. Салонларнинг қўлайлиги, юқори сервис хизмати туфайли чарчоқларимиз бир зумда тарқаб кетди. Бунинг учун ташкилотчилардан беҳад миннатдорман.

Таассурот мавзусида ўтказилган халқаро симпозиумда иштирок этганимдан жуда мамнунман. Анжуман доирасида Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиш баробарида, ўзим учун жуда кўп фойдали маълумотлар олиш

Марк БОНЕЛЬ, "Ибн Сино" жамгармаси раиси, Беғараз донорлик тарғиботи бўйича халқаро эксперт (Франция): — Ҳар бир она-опа ўз фарзандини яхши кўради ва унинг соғ-саломат бўлишини истайди. Лекин бундай

имкониятига эга бўлдим. Форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг нутқини катта қизиқиш билан тингладим. Давлатингиз раҳбарининг тиббий ислохотларини амалга оширишдаги ташаббуслари, олиб бораётган ислохотлар ва улар бераётган юксак самаралар ҳар қандай кишида ҳавас уйғотди.



Роберт ФОГТ, Им Парк номидаги кардиохаррохлик клиникаси директори (Швейцария): — Ўзбекистонга келиб, олган бой таассуротларимни сўз билан ифодалашим қийин. Юртингизнинг бугунги жамолани томоша қилиб, унинг, ҳақиқатан ҳам, тарихи бой, буғуни фаровон, келажги порлоқ эканига амин бўлдим. Айниқса, мазкур анжуман ўтган кошона — Симпозиумлар саройининг биринчи меҳмонлари қаторида бўлганимдан жуда бахтиёрман. Зеро, бетақоррор меъморчилик услубида қурилган ушбу маҳабатли иншоот ҳар қандай кишида унутилмас таассурот қолдириши, шубҳасиз.

Сафура Бинти ЖААФАР хоним, Малайзия соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оила саломатлигини яхшилаш департаменти директори: — Пойтахтингиздаги иншоотлар ўзида миллий меъморчилик ва замонавий услубларни муассам этган. Халқаро форум ўтказилган "Маърифат маркази" мажмуидаги Симпозиумлар саройи халқингизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятидан дарак бериб турибди. Ушбу муҳташам сарой деворларидаги гўзал нақшлар, маҳабатли мрамор устунлар, салобатли заллар, уларни ёритиб турган билорун чироклардан кўз узмиш қийин. Саройнинг барча зарур жиҳоз ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлангани бу ерда йирик анжуманларни ўтказиш учун жуда қўлайдир.

гистон майдони, Шоҳи Зинда зиёратгоҳидан бир олам таассурот олдим. Регистон мажмуасида жойлашган хунарманд усталарнинг нафис санъати ҳар қандай кишига завқ бағишлайди. У ердаги қулол, наққош, зардўз, гиламдўзларнинг қўл меҳнати билан яратилган бетақоррор миллий хунармандчилик намуналарини астойдил қузатдим. Бир олам таассуротлар билан уйга қайтадиган бўлдим.

Мануэль МОЙА, Европа педиатрлар уюшмаси вице-президенти, Европа педиатрлар илмий кўмитаси президенти (Испания): — Ўзбекистонга келиб, бу юртинг кўнгли очик, меҳмондўст одамлари билан суҳбатлашиб, Ватанингизга бўлган ихлосим янада ошди. Диёрингизнинг тарихи қанчалик буюк ва бой бўлса, буғуни ҳам шунга муносиб эканига ишонч ҳосил қилдим. Халқингизнинг муомала маданияти, моҳир хунармандлар нозик дид билан ишлаган бетақоррор маҳсулотлар, пазандалар тортиқ қилган миллий таомлар бир умр ёдимда қолади.

Николай БОТЕВ, ЮНФПА Марказий Осиё мамлакатлари бўйича субминтақавий офиси директори: — Самарқандда биринчи бор бўлишим. Ота-боболарингиз бунёд этган маҳабатли обидалар гуё уларнинг қандай қудратга эга бўлганлигидан сўйлаётгандек. Самарқандни бутун Ер юзидида энг қадимий ва мафтунроқ шаҳарлардан бири, деб айтиш мумкин. Маълумки, бу замин қўллаб буюк алломаларни етказиб берган ва уларнинг дунё илм-фани ривожидидаги ҳиссаси катта. Бугун ҳам уларнинг иши муносиб давом эттирилаётгани эътиборга молик. Мамлакатингизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишларининг самарасини кўриб, тарих билан бугунги кун ўртасидаги узаро боғлиқликини ҳис қилгандек бўлдим.

Маттео ЧИФРЕДА, Милан шаҳри кардиохаррохлик клиникаси шифокори (Италия): — Юртингиз ҳақида кўп эшитганман. Ушбу тадбир баҳона бу гўзал мамлакатга келганимдан жуда ҳам хурсандман. Қадим Самарқандни томоша қилиб, ҳайратландим. Турки Амир мақбараси, Ре-

Арун НАНДА, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотиинг Европа минтақавий бюроси директори ёрдамчиси: — Дунёда мафтунроқ шаҳарлар кўп. Аммо Самарқанд бошқача экан. Бу муассамбадаги зарҳал нақшлар билан безатилган Тиллақори мадрасаси, шунингдек, Улуғбек ва Шердор мадрасалари жуда ёқди. Уларнинг бетақоррор гўзаллиги кўзни қамаштиради.

Маттео ЧИФРЕДА, Милан шаҳри кардиохаррохлик клиникаси шифокори (Италия): — Юртингиз ҳақида кўп эшитганман. Ушбу тадбир баҳона бу гўзал мамлакатга келганимдан жуда ҳам хурсандман. Қадим Самарқандни томоша қилиб, ҳайратландим. Турки Амир мақбараси, Ре-

«Халқ сўзи» мухбири С. МАХСУМОВ эзиб олди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадлар учун давлатимиз томонидан катта миқдорда маблағ ажратилиб, экин майдонлари унумдорлигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ижроси изчил таъминланаётди. Зеро, юрtdошларимиз турмуш фаровонлиги, аҳоли дастурхони файзу баракаси, ризку насибамиз бутунлиги она-замин саховати билан чамбарчас боғлиқ.

минлаш учун энгил тупроқли жойларда икки йилда бир марта, оғир тупроқли жойларда эса уч йилда бир марта тозалаш ишларини амалга ошириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, 2008 — 2010 йилларда вилоятда 4201 километр узунликдаги коллектор-зовур тармоқларида реконструкция ва таъ-

тўлароқ қондириш мақсадида 142 минг тонна мева ва 30 минг тонна узум маҳсулотлари, шуниингдек, 486 минг тонна сабзавот, 105 минг тонна картошка етиштирилди. — Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригация тизимининг

зер, битта автотрейлер ва 4 та автотомобилларга техник ёрдам кўрсатиш машинаси лизинг асосида харид қилинаётди. Келгуси йилда эса қўшимча равишда 6 та экскаватор, 2 та бульдозер ва 2 та автокран сотиб олиш режалаштирилган. Бу иш унумдорлигини ошириш имконини беради.

Жорий йилнинг ўтган даврида ирригация тармоқларида 8 миллиард 103 миллион сўмлик таъмирлаш-тиклаш, 6 миллиард 525 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Бундай тадбирлар натижасида 35 минг гектар майдонда ер ости сувларининг пасайишига замин ҳозирланди.

Ҳозир воҳа деҳқонлари мўл ҳосилни кўзлаб кузги-қишки дала ишларига қизгин киришган. Вилоятда ер унумдорлигини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш учун имкониятлар етарли. Баҳариланган мелиорация тадбирлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш хажмини кўпайтиришга хизмат қилади. Зеро, ер ҳам меҳрга, парваришга муҳтож. Шу боис уни қанча эъозласак, бизга шунча саховат кўрсатиши, шубҳасиз.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ҳар йили ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, анъанавий равишда ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Мазкур тадбирдан мақсад аҳоли тураржойлари, ижтимоий-иқтисодий объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш, халқимизнинг бу борадаги масъулияти ва ҳўшёрлигини янада кучайтиришдан иборат.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ойлик доирасида Тошкент вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси томонидан ҳам изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз бежиз «олов — тилсиз ёв» демайди. Унинг оқибатида халқ ҳўжалигига, мамлакат иқтисодиётига, одамлар ҳаётига жиддий зиён етиши мумкин.

Ойликнинг айни қиш мавсуми бошланган вақтда ўтказилишининг аҳамияти катта. Кунлар совиё бошлаши билан иситиш манбаларига эҳтиёж ошади.

Айни пайтда туманимиздаги 50 умумтаълим мактаби, 45 мактабгача таълим-тарбия, 11 тиббиёт муассасаси ва 90 маҳаллада ёнгин хавфсизлиги учун жаобгар миз, — дейди Қибрай тумани ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи Ислом Исмоилов. — Ойлик муносабати билан ушбу таълим ва тиббиёт муассасаларида, маҳалларда ёнгин хавфсизлиги қондаларини тарғиб қилиш, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мавсумий эмас, балки кунлик ишмиизга айланмоғи лозим, — дейди Тошкент вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Тоҳир Орипов. — Ойлик давомида аҳолига бу борада кенг тушунчалар берилмоқда. Хусусан, шу мавзуда шаҳар ва туманлар марказларида, корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида юздан ортқ кўшимча паннолар ўрнатилди.

ёнгинлар аксарият ҳолларда ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилиши, электр ёки газ ускуна-қурилмаларининг носозлиги ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қондаларига риоя қилмаслик оқибатида содир бўлади. Бундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида жойларда аҳолига эслатмалар тарқатилиб, ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилмоқда.

Газ ва электр тармоқлари, ҳўқуқ-тартибот идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан иштрокида ўтказилган рейдлар давомида газ тизимига ўзбошимчалик билан улаш оқибатида ёнгин хавфи кучаяди. Шунинг учун ойлик давомида вилоят ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари ўқув муассасаларида, корхона, ташкилот ҳамда маҳаллаларда бўлиб, турли профилактика тадбирлари, учрашув ва суҳбатлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёнгин хавфсизлиги қондаларини кенг тарғиб қилиш, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мавсумий эмас, балки кунлик ишмиизга айланмоғи лозим, — дейди Тошкент вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Тоҳир Орипов. — Ойлик давомида аҳолига бу борада кенг тушунчалар берилмоқда. Хусусан, шу мавзуда шаҳар ва туманлар марказларида, корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида юздан ортқ кўшимча паннолар ўрнатилди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ

Мўл ҳосил олиш гаровидир

Дарҳақиқат, бугун қишлоқ ҳўжалиги соҳаси чўқур ислоҳ қилиниб, ер эгалари — фермерлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Пировардида аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондириляпти. Ўз навбатида, уларнинг бир қисми хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Табиийки, бундай муваффақиятларга эришишда Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим асос бўляпти.

Хоразм вилоятида мазкур Фар-

мон талабларидан келиб чиқиб амалга ошириляётган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Зотан, воҳадаги мавжуд экин майдонларининг 44 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрлангани, ер ости сувлари сатҳининг замин юзасига яқинлиги ҳамда тупроқ таркиби хилма-хиллигини ҳисобга олсак, мелиорация тадбирларининг аҳамияти нечоғли муҳимлиги ойдинлашади. Албатта, бундай шароитда деҳқончилик тақдирини сўғориш ва зах қочирини тармоқларининг техник ҳолатига узвий боғлиқ. Яъни вилоятдаги умумий узунлиги 10640 километр бўлган мелиорация тармоқларининг меъёрида ишлашини таъ-

мирлаш ишлари бажарилди, 120 минг гектар майдонда ер ости сувлари пасайиши таъминланди. Натижада кучли шўрланган майдон-

Фармон ва ижро

лар 2007 йилда 39 минг гектарни ташкил этган бўлса, ўтган йили 35 минг гектарга камайтиди. Шунингдек, мелиоратив ҳолати ўта ёмон бўлган 1620 гектар ер унумдорлиги яхшиланди. Пировардида воҳада ўтган йили пахта ҳосилдорлиги 2005 йилдагига нисбатан 2,3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 23 центнерга ортди. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини

меъёрида ишлашини таъминлаш орқали экинлар ҳосилдорлигини 20 фоизга ошириш мумкин, — дейди «Қўйи Амударё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Ортиқов. — Буни воҳаимизда амалга ошириляётган ишлар яққол тасдиқлаб турибди. Мазкур жараёнда, айниқса, янги ташкил этилган иختисослаштирилган давлат унитар корхоналарининг ҳиссаси катта. Бугунги кунда улар иштиёрида 55 та сўнгги русумдаги экскаватор, 14 та бульдозер, 4 та трактор, 4 та трейлер, 4 та автокран мавжуд. Шунингдек, яна 7 та гидравлик экскаватор, битта бульдо-

САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Сифат ва нарх рақобатбардошлиқни таъминловчи муҳим мезонлардир. Шу боис дунё бозорига чиқишни мақсад қилган ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг нафақат сифатли ва бежирим тайёрланишига, балки нисбатан арзон баҳода хариддорларга тақдим этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратадилар.



Жараён

Бунга эришининг асосий омилларидан бири зарур ҳом ашёнинг маҳаллий шароитда етиштирилишига боғлиқ эканлигидир. Қолаверса, технологияларнинг унумдорлиги ва тежамкорлиги, замонавийлиги ва илғорлиги ҳам маҳсулот таннарининг пасайишига хизмат қилади.

Самарқанд шаҳрида 2009 йилдан буён фаолият юритаётган очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «ДАКА-ТЕХ» хорижий корхонаси жамоаси бугун

Бунга эришининг асосий омилларидан бири зарур ҳом ашёнинг маҳаллий шароитда етиштирилишига боғлиқ эканлигидир. Қолаверса, технологияларнинг унумдорлиги ва тежамкорлиги, замонавийлиги ва илғорлиги ҳам маҳсулот таннарининг пасайишига хизмат қилади.

ган аъло навли ва юқори сифатли пахта толаси жаҳон бозорида хариддоргир ҳисобланади. Шу боис маҳсулотларимизга талабгорлар ниҳоятда кўп.

— Икки йил аввал шу ерда иш бошлаган эдим, — дейди оператор Хилола Ҳалимова. — Корхонага ўрнатилган дастгоҳларнинг барчаси замонавий, автоматик равишда бошқарилади. Бу ишчи кучини тежаш ҳамда маҳсулотлар сифатини яхшилаш имконини берапти. Маошимиз яхши, унумили меҳнат қилишимиз, дам олишимиз учун барча шарт-шароит яратилган.

Албатта, изланиш, интилиш юксак марралар сари ундайди. Бугун «ДАКА-ТЕХ» хорижий корхонаси ҳам ўз фаолиятини янада такомиллаштириш йўлида изланишлар олиб бормоқда. Бунда, табиийки, мамлакатимизда ишбилармонлар, тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқарувчилар учун яратиб берилган имконият ва имтиёзлар қўл келмоқда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Реклама ва эълонлар

САЛОҲИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК

ёш тадбиркорларнинг муваффақиятга эришишида муҳим ўрин тутаети

Сир эмаски, бугун Гулҳаё сингари иқтидорли ва ғайрат-шижоатли ёшларнинг ҳар жабҳада фаоллиги, ташаббускорлиги кўзга ташланмоқда.

— Андижон компьютер технологиялари коллежини битиргач, Андижондаги «Idas Electronics System» Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонасига ишга кирдим, — дейди ана шундай ёшларнинг бири Бобур Абдурашидов. — Бир гуруҳ тенгдошларим билан Малайзияда малака ошириб келгач, «CD/MP3» плеерларнинг металл қисмларини ҳам шу ернинг ўзида тайёрлашни ўзлаштирдик. Жамоамиз аъзолари асосан ёшлардан иборат. Айни пайтда «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқариляётган автобиллар учун мусиқа плеерлари ҳамда электрон соатлар тайёрлаб бераймиз. Жорий йилдан бошлаб эса Самарқандда ишлаб чиқариляётган «Isuzu» автобусларига «USB» қурилмасини етказиб беришни ҳам йўлга қўйдик.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни қўллаб-қувватлашда «Камолот» ЁИХ Андижон вилояти бўлими ҳамда молия муассасалари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Хусусан, «Микрокредит-банк» билан биргалликда ишлаб чиқилган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Агробанк» билан ҳамкорликда жорий этилган «Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати» лойиҳалари ўқув даргоҳлари битирувчиларини бизнес соҳасига кенг жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, коллежларни битирган 377 нафар йигит-қизга вилоятдаги 12 та тижорат банки томонидан 1 миллиард 371 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу, ўз навбатида, 400 дан зиёд иш ўринлари яратиляшига асос бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат. Навқирон авлод вакиллари бандлигини таъминлаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, корхоналар, асосан, қишлоқларда барпо этилмоқда. Шу ўринда Марҳамат тумани олиб кўрайлик. Авваллари завод ва фабрикаларда ишлашни орзу қилиб шаҳарга қатнаган туман ёшлари эндиликда хорижий шерклар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Марҳамат-текстиль», «Универсал-текст», «Полвошто-текстиль» сингари йирик са-


Интилиш

ноат корхоналарида меҳнат қилмоқда. Хусусан, 204 нафар ишчинини ўз бағрига олган «Полвошто-текстиль» корхонаси жамоаси маҳсулотнинг асосий қисмини экспорт қилапти. «Марҳамат электроника» очиқ акциядорлик жамияти маҳсулотларига бўлган талаб ҳам тобора ортмоқда. «Ўз Коджи», «Ўз Тонг Хонг Ко» сингари етакчи корхоналарда техник ва технологик жиҳатдан янгилашлар амалга оширилди.

Истиклол йилларида Ҳўжабод тумани ҳам аграр ҳудуддан саноати ривожланган туманга айланди. Касб-ҳўнар коллежларини битирган ёшлар илғор технологияларни бошқаришни ўз қўлларига олдилар. Қишлоқ корхоналарида импорт ўрнини босувчи хариддоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Кейинги бир йилнинг ўзида инвестиция дастурига киритилган иккита йирик лойиҳанинг

Яна бир эътиборли жиҳати, вилоятда фаолият юритаётган 29 мингдан зиёд микрофирма, 4 минг 391 кичик бизнес тармоғига ёш, изланувчан йигит-қиз раҳбарлик қилмоқда. Хусусий тадбиркорлар сони эса 34 минг нафарга яқинлашиб қолди. Улар ўзларининг иқтидори, салоҳияти, ғайрат-шижоати билан шун азия Ватан равнақига, халқимиз турмуш фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Advertisement for «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК (Toshkent Pipe Plant) featuring various pipe products and contact information.

Table showing exchange rates and financial data for the Uzbek Republic Central Bank.

Summary table of market indicators including cotton prices, cement prices, and exchange rates.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Бразилиянинг Калдас Новас шаҳрида шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

ГУЛРУХБЕГИМ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

ФИДЕ томонидан ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 80 давлатидан минг нафардан ортиқ ёш "ақл гимнастикаси" усталари совринли ўринлар учун кураш олиб бордилар. Эътиборли жиҳати, жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Гулрухбегим Тохиржонова бронза медални кўлга киритиб, юксак истеъдод соҳибаси эканлигини намойён этди.



хон чемпионатида мағлубиятга учрамаган ҳолда етти очко жамғаришга муваффақ бўлди. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги беллашуларда қатнашган Сарвиноз Курбонбоева ҳам мухлису мутахассисларда яхши таассурот қолдирган шахматчилардан бири бўлди. У жаҳон чемпионати давомида бешта галаба ва учта дуранг қайд этиб, олтинчи ўриндан жой олди. Гарчи Сарвинознинг тўплаган очколари бронза медал соҳиби, ФИДЕ устаси, мўғулистонлик Алтанулзи Энхтуул билан бир хил бўлса-да, қўшимча кўрсаткичларга кўра, у совриндорлар сафига кира олмади. Ўғил болалар ўртасидаги беллашуларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Саидакбар Сайдалиев ва Ортик Незматовнинг ҳам муносиб иштироки кўпчилиқда илиқ таассурот уйғотди.

Фозилдин АБИЛОВ.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида оғир атлетика бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақалари бошланди. Осиё оғир атлетика федерацияси (АВФ), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирларда қўшимизнинг ўндан зиёд давлатидан келган 120 нафарга яқин атлет голиблик учун куч синашмоқда.

ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

Мусобақаларнинг очилишида Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Жасур Ақромов, Осиё оғир атлетика федерацияси бош қотиби Али Моради ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг баркамол инсонлар этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида спортни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бу жиҳатлар оғир атлетикада ҳам ўз ифодасини топтомоқда.

Мусобақаларда эриш-лашган ютуқлари сони ва салмоғи ошиб бормоқда. Жумладан, яқинда Францияда оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида тажрибали спортчи Муслим Нуриддинов штангани силтаб кўтаришда 221 килограмм натижа кўрсатиб, кумуш медалга сазовор бўлди. Умуман, Ўзбекистонлик оғир атлетикачилар 2012 йили Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёшга келган Олимпия ўйинларининг бешта йўлнамасини кўлга киритди.

— Халқро оғир атлетика федерацияси Ўзбекистонда оғир атлетикани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни юксак қадрлайди, — деди Халқро оғир атлетика федерацияси техник кўмита аъзоси Атилла

Адамфи (Венгрия). — Мамлакатингизда кўплаб спорт анжуманлари юқори савияда ташкил этиб келинмоқда. Шу боис 2013 йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати мезонлик қилиш ҳуқуқи ҳам Ўзбекистонга берилди. Клублар ўртасидаги Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақаларида Ўзбекистон шарафини Гиёсиддин Аҳмедов, Улуғбек Олимов, Шерзод Рўзметов, Мадир Иброҳимов, Зуфар Қодиров, Елена Сисоева, Марина Сисоева, Махлиё Тоғаева, Зилола Бўриева, Нафиса Аскарлова, Манзура Мамасолиева каби тажрибали оғир атлетикачилар билан бир қаторда истеъдодли ёш спортчиларимиз ҳам ҳимоя қилмоқда.



Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА МҲБИРИ. Сарвар ўрмони олган сурат.

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2012 йили Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX ёшга Олимпиада ўйинларига йўлланмани кўлга киритиш учун навбатдаги қадамни ташлади.

Юртдошларимиз пешқадам

Саралаш мусобақасининг учинчи босқичи "В" гуруҳида кураш олиб бораётган Вадим Абрамов шогирдлари 3-тури сафарда Австралия олимпия терма жамоасига қарши ўтказиб, муҳим ўйинда бир очкони кўлга киритди — 0:0. Мазкур натижа вакилларимизнинг ўз гуруҳида биринчи давра беллашуларини пешқадам сифатида яқунлашини таъминлади. Олимпия терма жамоамиз ҳозиргача бўлиб ўтган уч ўйинда бир галаба, икки дуранг қайд этган ҳолда 5 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Ҳамюртларимиз навбатдаги турда Австралия терма жамоасига қарши Тошкентда баҳс олиб боради. Уйин келаси йилнинг 5 февраль кuni бўлиб ўтади. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Бирлашган Араб Амирликлари олимпиячилари ўз майдонида ироқлик тенкурларига қарши майдонга тушиб, 0:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Ф. ИБРАГИМОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилаётган ёки вақтинча бўлиб турган Туркменистон фуқаролари диққатига!

Туркменистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси сизларга 2012 йил 12 февралда Туркменистон Президенти сайловлари бўлиб ўтишини маълум қилади.

Дипломатик ваколатхона 18 ёшга тўлган ва ундан катта бўлган, Ўзбекистонда доимий истиқомат қилаётган ёки вақтинча бўлиб турган Туркменистон фуқароларини 2012 йил 12 февраль, яқинба кунли бўлиб ўтадиган Туркменистон Президенти сайловларида қатнашишга таклиф этади. Сайлов участкаси Туркменистон элчихонаси жойлашган қўйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 19-уйда соат 8.00 дан 20.00 гача (маҳаллий вақт) очик бўлади.

Маълумот олиш учун душанбадан жумагача соат 9.00 дан 18.00 гача, шанба кунлари эса соат 9.00 дан 13.00 гача 256-94-02, 256-94-06 телефонлари орқали мурожаат қилиш мумкин.

Туркменистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси.

• Реклама ва эълонлар •

Хоразм томонларда

Меҳнат ярмаркаси ўтказилди

Йил бошидан буюн Урганч шаҳрида 8 мартаба меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 800 нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланди.

Урганч шаҳрида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбирда 63 корхона ва ташкилот 443 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Пировардида 40 киши ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди.

Коллеж қошида кичик корхона

Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи жамоаси хайрли ташаббусга қўл урди.

Коллеж қошида нон ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган замонавий технологик линия фойдаланишга топширилди. Эндилкида таълим маскани ўқувчилари эгаллаган назарий билимларини бево-сита ишлаб чиқариш жараёнида мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, коллежда тахсил олаётган ёшлар бир гектарлик ҳудудда боғ барпо этдилар. Бундан ташқари, паррандачилик ва чорвачилик хўжалиги ҳам ташкил этилган. Топилган даромад эса коллежнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланмоқда.

О. ЖУМАНИЁЗОВ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материалларининг радиациявий назоратини амалга оширувчи лаборатория ташкил этилиши бўйича анжуман бўлиб ўтди.

Юртимизда аҳолини хавфсиз ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу боис ма-

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ

ҳаллий ва хориждан келтирилган маҳсулотларнинг радиациявий хавфсизлиги талабларини ўрнатилиш ва назорат қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу

Анжуман

Маҳсулотларнинг экологик тозаланиши аниқлаб бориш мақсадида Ядро физикаси институти, "Ўзстандарт" агентлиги ва Соғлиқни сақ-

аҳоли соғлиғини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

лаш вазирлиги ҳамкорлигида Радиология синов лабораторияси ташкил этилди. 2010 йилнинг октябрь ойида Ядро физикаси институти таркибиде бўлим сифатида очилган мазкур лабораторияда озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ва емларнинг радиациявий

хавфсизлик талабларига мувофиқлиги замонавий гамма ва бета-спектрометрлардан фойдаланган ҳолда, халқро талабларга мувофиқ таҳлиллар асосида аниқланади. Халқро талаблар даражасидаги маҳсулотларга эса гигиеник сертификатлар берилди.

М. ХОЛМАТОВА.

«КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси охири борилиш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосида таклиф этади!

Аукцион савдосига Кумкўрғон тумани СИБ томонидан 2008 йил 29 сентябрдаги 1-1361-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Кумкўрғон тумани, М. Қорабоев маҳалласида жойлашган, фуқаро Т. Нормуродовга тегишли, майдони 512,30 кв.м., 1 қаватли, 3 хонадан иборат, 1971 йил қурилган яшаш уйи қўшимча бинолари билан (айвон, бостирма, омборхона, хожатхона, ҳаммом ва ховуз) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 16 706 953 сўм. Аукцион савдосига Сарийосиё тумани СИБ томонидан 2008 йил 12 декабрдаги 19-0809-10066-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Сарийосиё тумани, Шарғун шаҳри, А. Икромов кўчасида жойлашган, «Шарғун кўмири» ОАЖга тегишли, майдони 1337,04 кв.м., 1 қаватли, 3 хонадан иборат, 2002 йилда қурилган озиқ-овқат омбори биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 61 927 013 сўм. Аукцион савдосига Сарийосиё тумани СИБ томонидан 2008 йил 1 декабрдаги 19-0802/9284-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Сарийосиё тумани, М. Улуғбек кўчаси, 110-уйда жойлашган, «ТТЗ Сервис» корхонасига тегишли, майдони 60,72 кв.м., 1 қаватли, 4 хонадан иборат, 1991 йилда қурилган мамырий бино қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 979 311 сўм.

Advertisement for TAZ and TNK vehicles. Includes images of a truck and a car. Text: "ТАЗ" русумли Автомобиллар ва Махсус Техникалар. Тел.: 235 93 53, 111 35 24, 102 96 00. E-mail: transneft66@mail.ru, web: gazel-tnk.uz. Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км.

Аукцион савдосига Сарийосиё тумани СИБ томонидан 2010 йил 28 сентябрдаги 19-1008/13876-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Сарийосиё тумани, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, «Сарийосиё пахта тозалаш заводи» ОТАЖга тегишли, майдони 311,38 кв.м., 1 қаватли, 1999 йилда қурилган меҳмонхона ва ошхона бинолари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 53 802 293 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 30 декабрь кунли соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали АТБ «Савдогар» банки Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанкидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (8-376) 227-57-94. Лицензия: RR-0001.






Нивелир ва теодолитлар, Германиядан келтирилган. Қурилиш, қидирув ва кадастр ташкилотларига таклиф қиламиз:

- қурилишда ишлатиладиган ўлчов асбоблари;
бузмаздан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
2D ва 3D лазер сканерлар;
лазер ва GPS тизимини қўллаш асосида машиналарни автоматик бошқарув (тракторлар, экскаваторлар, грейдерлар, бульдозерлар, асфальт-ўтқизувчи техника, ер текисловчи ва бошқалар);
оптик, лазерли, рақамли нивелирлар ва теодолитлар;
лазерли масофа ўлчовчилар, узулликни ўлчовчи пўлат ва фиброгласс рулеткалар;
электрон тахометрлар, GPS/ГЛОНАСС (GNSS) тизимлари, шахсий ва автомобиль навигаторлари;
навигацион тизимлар ва ҳаракатланувчи объектларни масофадан кузатиш тизимлари;
шахсий чўнтак компьютерлари, коммуникаторлар (GSM, PDA);
лойиха-тадқиқот ишларини автоматизациялаш учун дастурлар.

Сервис-таъмирлаш ишларини амалга ошириш билан биргаликда ГП «ЦОМУ» «Ўзстандарт» агентлиги қиёсалаб сертификатларини тақдим қилади. Манзил: 100000, Тошкент ш., Осиё к., 6, 94-95-хоналар. Тел./факс: (+99871) 150-17-67, 241-46-31, (+99890) 189-59-41. Web: www.geoinform.uz, E-mail: info@geoinform.uz

ОБ-ҲАВО (29 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Бўҳоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнғинчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолида эса кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик кузатишмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёнғинчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 3-8 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик кутилмайди. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ёнғинчилик кузатишмайди. Ҳарорат кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи 4-6 даража илиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.



Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Барча товарлар гуруҳлари бўйича котировкалар WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпшов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — С. Махсумов. Мусаххас — Ш. Машраббоев. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5